

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

X.Г. Азизов¹

Аннотация: Мазкур мақолада ички ишлар органлари ходимларининг ўз фаолиятлари давомида коррупция ҳолатларига йўл қўймасликларини тамиллаш мақсадида сўнги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмуни, бу каби салбий ҳолатларни олидини олиш мақсадида амалга оширилаётган чоратадбирлар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: коррупция, ҳуқуқбузарлик, жиноят, жамият, давлат, фуқаро, иллат, тарбия, хурмат.

Аннотация: В данной статье выражены реформы, осуществленные за последние годы для того, чтобы сотрудники органов внутренних дел не допускали коррупции в ходе своей деятельности, их содержание, а также меры, реализуемые в целях предотвращения подобных негативных ситуаций.

Ключевые слова: коррупция, правонарушение, преступление, общество, государство, гражданин, порок, воспитание, уважение.

Annotation: This article expresses the reforms carried out in recent years to ensure that employees of the internal affairs bodies do not allow corruption in the course of their activities, their content, as well as measures taken to prevent such negative situations.

Key words: corruption, offense, crime, society, state, citizen, vice, upbringing, respect.

Сўнгги йилларда туб ислоҳотлар даврига қадам қўйган Ўзбекистонда ҳам тараққиёт кушандаси бўлган иллат - коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Ушбу кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилди[1].

Янги Ўзбекистон стратегияси коррупциядан холи мамлакат барпо этишни назарда тутади. Ушбу мақсад бугун бутун жамиятимизни жисплаштирувчи омилга айланмоқда.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илгор ҳалқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Бунда қуйидаги асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- ❖ жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;
- ❖ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

¹ Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси

❖ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, бу ярамас иллатнинг оқибатларини, бунга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Шунингдек, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупцияга йўл очиб берадиган омилларга чек қўйишга қаратилган 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари, “йўл хариталари” ва дастурлар тасдиқланди.

Парламент, ҳалқ депутатлари Кенгашлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсиран жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди, қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик кучайтирилди.

Бу борада Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий кенгаш самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Илк бор коррупцияга оид хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги 2020 йилда ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари комплеанс назорати фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида инсонлар ҳаёти, дунёқараши ҳамда турмуш тарзи кескин ўзгармоқда. Жамиятда “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз！”, “Биз коррупцияга қаршимиз！”, деган улуғвор мақсад шаклланди ва жамиятнинг барча аъзоларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш кундалик фаолиятимизга фаол кириб бормоқда.

Яқин истиқболда Ўзбекистонни Марказий Осиёning иқтисодий қудратли давлатига айлантириш ва ҳалқ фаровонлигини таъминлаш, кутилаётган хавф-хатарларни матонат билан енгиб ўтиш бош мақсадимизга айланди.

Аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ҳар қандай конунбузилиш ҳолатларига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш коррупцияга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсати моделининг асосий фояси ҳисобланади.

Коррупция даражасининг юқори бўлиши, экспертларнинг фикрига кўра, мамлакат аҳолиси ҳаёт фаровонлиги пасайишига олиб келади ва, аксинча, мамлакатнинг ривожланиш даражаси қанчалик паст ва демократик институтлар қанчалик кучсиз бўлса, коррупция даражаси ҳамда хуфиёна иқтисодиёт кўлами шунчалик юқори бўлишини билдиради.

Хар қандай жамиятда қонун устувор бўлмас экан, у ерда барқарор ривожланишга, инсоннинг эъзозланишига эришиб бўлмайди. Чунончи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш; коррупцияга қарши қатъий курашиш; институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ» [2].

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиёти дейилганда эса давлатларнинг ўз ҳукуқий тизимининг асосий тамойилларига биноан, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамиятнинг фаол иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳукуқ-тартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада бошқариш, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган ҳамда ҳамкорликка асосланган чоралари, саъй-ҳаракатлари тушинилади.

Бугунги кунда коррупцияни жиловлаш учун мамлакатимизда ислоҳот ва очиқлик, ошкоралик, холислик, ҳисобдорлик жараёнлари дадиллик билан амалга оширилмоқда. ИИОда амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар қонун устуворлигига эришиш, ҳукуқбузарликлар профилактикасини ўз вақтида амалга ошириш, ҳукуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласи. Натижада фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига эришилади.

Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар Ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада илоҳ қилиш, шунингдек хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўналишларида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминламоқда.

25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг байрам табригида “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади” [3] ҳамда “Бугунги кунда ички ишлар органлари учун профессионал қадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилаётгани, соҳада ўз бурчи ва қасамёдига содик, ватанпарвар ва халқпарвар ходимлар сони кўпайиб бораётганини илоҳотларимизнинг энг муҳим натижаси сифатида қабул қиласиз”[3], деган фикрлари ИИОларига берилган юксак баҳо ва ишонч белгиси эди.

Мавзунинг долзарблиги хусусида. Ички ишлар органларининг ҳар бир

ходими коррупцияни олдини олишнинг долзарбилигини изоҳловчи бир қанча омилларни чуқур билишлари зарурлигини инобатга олиб уларни келтирамиз. Булар:

Биринчидан, аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги иқтисодий тенгизлик чуқурлашиб бораётган замонда ғаразли мақсадларда ҳокимиятни сустеъмол қилиш билан боғлиқ жанжаллар ва фош этишлар ҳокимиятнинг обрўсини туширади, демократияни обрўсизлантиради, шиорларидан бири коррупцияга қарши кураш бўлиши мумкин бўлган диктатурага бурилиш хавфини юзага келтиради.

Иккинчидан, иқтисодий мазмуни глобаллашув жараёнларида чекланиб бораётган ресурсларни тақсимлаш жараёнининг бузилишидан иборат бўлган коррупция, умуман, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, коррупция, бошқа қўплаб салбий-ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзини такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратади – бўлғуси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, кенг миқёсли коррупция қанчалик узоқ давом этса, унга қарши кураш ва оқибатларини тугатиш, ҳатто айрим сабаблари йўқ қилинган тақдирда ҳам, шунчалик қийин кечади.

Тўртинчидан, (буниси ҳозирги вақтда жуда муҳим), коррупция кенг миқёсда ривожланган мамлакатнинг обрўси нафақат сиёсий, балки иқтисодий томондан ҳам тушиб кетади, қарзлар бериш, хорижий инвестицияларни киритиш ва шу каби шароитларга таъсир этади, ҳар қандай бошқа обрў сингари, уни қайтариш қийин бўлади.

Бешинчидан, нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўркиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни бекарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;

Олтинчидан, жиноий йўллар билан бойлик орттирган кимсаларни «демократия» учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар аввалига ўз халқини алдаб капитал тўплайди, кейин демократия ва адолатни рўкач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини алдаб, сиёсий обрў орттириди. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи қучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турувчилардир;

Еттинчидан, жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортишга қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотиши натижасида мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар

ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, «соғ» қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Юқоридаги таҳдидларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши белгилаб олинди.. Коррупциянинг олдини олишнинг хуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида ўз ифодасини топган.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февралда Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағищланган йиғилишдаги маърузасига мурожаат қиласиз: **«Кадрлар билан ишлаш масаласи узоқ вақт давомида вазирлик раҳбариятининг эътиборидан четда қолиб келган. Бу эса ички ишлар идоралари ходимларида “шараф” (“честь”) тушунчаси йўқолишига олиб келган, янги ходимларни ишга қабул қилишда аксарият ҳолларда таъмагирликка йўл қўйилган»** [4] лиги кескин танқид остига олинган.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳакли равишда таъкидлаганларидек: **«шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни кучайтириш, ички ишлар идоралари таркибиға адашиб кириб қолган бефарқ, масъулиятни тўлиқ англамасдан, фуқароларнинг ҳақли эътиrozларига сабабчи бўлаётган ходимлардан бу соҳани тозалаш масаласи доимо долзарб бўлиб келган»** [4].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: «Бу борада Ички ишлар вазирлиги тизимидағи ўқув муассасалари, жумладан, Ички ишлар академиясининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ушбу ўқув маскани ёш офицерларга чуқур билим бериш билан бирга ўзининг тарбиявий таъсирини ҳам ўтказиши лозим. Ички ишлар органларида хизмат қилишга муносиб ходимларни етказиб беришда айнан ўқув муассасалари раҳбарияти ва ўқитувчиларининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак»лигини вазифа этиб белгилайди.

2022 йил 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш ҳамда коррупциявий омилларни кескин камайтириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 56-сон буйруғи имзоланди. Буйруқ билан:

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги комиссияси тўғрисидаги низом;

Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби ҳақидаги йўриқнома;

коррупцияга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги комиссияси таркиби;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи гурӯҳ тузилиши белгиланган

Вазирлик соҳавий хизматлари рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек:

5. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига қўйидаги вазифалар юклатилди:

ички ишлар органларида ташкил этиладиган “Маънавият ва маърифат” дарсларида доимий равишда коррупциянинг барвақт олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишни тарғиб этувчи тадбирлар, давра сухбатларини ташкиллаштириш;

ходимларнинг оилавий шароитларини, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўрганиб, қонунчиликда белгиланган тартибда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳга таклифлар киритиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш;

мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги ҳамда коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланганлигини тарғиб этувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

Вазирликнинг соҳавий хизматлари билан биргаликда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга чорловчи буклет, флаерлар тайёрлаш;

ходимларнинг хизмат хоналарида, биноларга кириш эшикларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга чақиравчи баннерлар ўрнатилишини таъминлаш.

Мутахассислар ИИОлари тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқликини таъкидлайдилар:

- кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш ишини самарали йўлга қўйиш;
- раҳбарият томонидан кадрлар устидан назоратни кучайтириш;
- ходимга мунтазам ИИО хизматининг ўзига хос хусусиятларини ўргатиб бориш;
- шараф деган номни тиклаш мақсадида ватанпарварлик ва хизмат бурчига ўта содик кадрларни селекция қилиш.

Ходимларни ишга қабул қилишда батафсил текшириш тизимини жорий этиш, етарли ва асосли синов муддати белгилаш. ИИВ таълим муассасаларида таълим олаётган ҳар бир ходимида коррупцияга қарши курашда событқадам

бўлиши, шунингдек, ҳалоллик ва поклик ҳар бир ИИО ходими фаолиятининг асосий мезонига айлантиришга эришиш чораларини кўриш;

– ички ишлар органларига янги қабул қилинаётган бўлғуси ходимларнинг коррупцияга ёки оддий қилиб айтганда, пулга мойиллигини аниқлаш мақсадида мутахассислар томонидан мукаммал тарзда маҳсус психологик тестларни ишлаб чиқиш ва номзодлардан мазкур тест синовларини қабул қилишни амалга ошириш;

– хизмат вазифалари тақозосига кўра тўғридан тўғри халқ билан ишловчи ходимлар (тергов, тезкор аппарат, профилактика, Миграция ва ФРБ, ППХ ва ЖТСХ, ЙПХ ва бошқа) билан алоҳида амалий мисоллар келтирилган видеофрагментлар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш;

– ички ишлар органлари тизимидағи хизматлардан энг кўп порахўрлик ёки тамагирлик каби қилмишлар содир этиб, жиной жавобгарликка тортилган ходимларнинг статистик таҳлилини юритиб, ушбу хизмат йўналишида ишловчи ходимлар ўртасида белгиланган тартибда мунтазам ижтимоий сўровлар ўтказиш ва унинг натижаларига асосан тегишли чоралар кўриш;

– ИИОда коррупция ҳодисаси билан боғлиқ, коррупция жинояти содир этган ИИО ходимларининг сайёр суд мажлисларини реал ҳолатини ёритган, таъсирчан фильм, видеофрагментларни ишлаб чиқиш ҳажмини ошириш ҳамда уларни ходимлар билан таъсирчан тарбиявий ишларни амалга оширишда фойдаланиш ва коррупция жинояти учун жазонинг муқаррарлиги каби ачинарли вазиятларни ифодалаб бериш;

– коррупция фактларини фош этувчи маълумотлар берган ходимларни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя тизимини яратиш;

– коррупция жинояти бўйича суднинг ҳукми кучга кирган шахсларнинг фотосуратларини веб-сайтларда ва оммавий ахборот воситаларида доимий равишда кўрсатиб бориш амалиётини йўлга қўйиш;

– ИИОнинг барча тузилмалар таркибидаги коррупцияга чалинишга мойил соҳа ва йўналишларни аниқлаш ва олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш;

– ҳалол хизматни мунтазам рағбатлантириб бориш;

– ходимларнинг малакасини оширишга эътиборни кучайтириш;

– ходимларнинг яшаш жойларидаги юриш-туриши ҳақида мунтазам хабардор бўлиб туриш.

Ички ишлар органларининг коррупцияга қарши самарали қурашишга оид қуйидаги чора-тадбирларни мажмуасини таклиф этамиш:

– олиб борилаётган аксилкоррупциявий таълим ва тарбия ишини янада жадаллаштириш ва таъсирчанлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқий хужжатларини аксил-коррупциявий экспертизадан ўтказиш;
- коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг алоҳида кўринишларини мониторинг қилиш;
- хизматга қабул қилинаётган шахсларга юқори маънавий-ахлоқий ва касбий талабларни қўйиш;
- ўз мажбуриятларини узок муддат нуқсонсиз бажариб келаётган, хизмат бурчини ҳалол ва садоқат билан адо этаётган ходимарни мунтазам рағбатлантириб бориш ва халқ, Ватан равнақи йўлида фидойи инсонлар ҳаёти тўғрисида очерклар ва телекўрсатувлар тайёрлаш;
- жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини янада яхшилашга эришиш;
- коррупцияга қарши кураш масалаларида ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш;
- ҳуқуққа зид мақсадларни кўзлайдиган шахсларнинг ички ишлар органларига кириб қолишларининг олдини олиш.

Қайд этиш жоизки, коррупциявий йўналишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш умуммиллий вазифа. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар органлари ва улар таркибидаги тегишли хизматлар коррупцияга қарши курашнинг асосий субъектлари ҳисобланадилар.

ИИОлари тўлиқ оптималлаштирилди ва янгиланди. Гап энди ходимларнинг касбий малакасини ва касбий маданиятини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажариш учун тайёр бўлишига алоҳида эътибор қаратишидир[5].

Айниқса ёш ходимларни бурчини садоқат билан бажариш руҳида тарбиялаш керак. “Мен ўз бурчимни бажардим”, деган инсонлар сафини кенгайтириш лозим. **Бурч** – маънавий соҳада юксак масъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилишни, ҳуқуқий соҳада қонун хужжатлари, шартнома, хизмат бўйича юклangan мажбуриятни англатувчи тушунча. Бурч – инсон маънавиятининг таркибий қисми, маънавият фалсафасининг фундаментал тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бу тушунча шахснинг зиммасига қўйилган талабларга нисбатан масъулияти ва мажбуриятини бажариш маънавий заруратга айланишини ифодалайди.

Бурч бажарилиши лозим ва талаб этиладиган вазифа, яъни мажбурият. Шахснинг ота-онаси, фарзандлари, ёру дўстлари, устоз-мураббийлари, Ватани, халқи ва касби олдидаги бурчлари мавжуд. Бироқ ушбу бурчларни ҳамма ҳам бирдек тўлиқ адо этавермайди. Шунинг учун ҳам жамиятда инсонлар ўртасидаги турли муносабатларда муаммолар пайдо бўлади, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуклари

бузилади, хуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилади. Конституциямизнинг 52-моддасида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси зиммасига Ватанини ҳимоя қилишдек муқаддас конституциявий бурч юклатилган.

Коррупцияга йўл қўймасликда ИИОларининг ҳар бир ходими жисмоний ва руҳий тайёргарлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни эътибор қаратиш керак. Нега деганда, бугун нафақат касбий, жисмоний тайёргарлик, балки руҳий тайёргарлик ходимлар учун хизмат фаолиятида, карьерасида ва умуман, турмуш тарзида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлишига эришиш зарур[6].

Ходимларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши ҳақида гапирганда, шахсий таркиб ўртасидаги салбий ҳолатларнинг асосий қисми хизмат фаолиятидаги зўриқиши, **кучли руҳий таъсир ва зарбалар** билан боғлиқ эканини эътиборга олиш вақти келди.

2023 йил 20 январь куни Президентимизнинг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” тасдиқланиб, у қуйидаги асосий мақсадларга йўналтирилгани билан ўта аҳамиятлидир:

— ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

— ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одобахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

— ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножӯя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, хуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.

Юқоридаги мақсадлар ўз-ўзидан қўйилмади. Ички ишлар органлари ходимларининг хулқ-атвори, юриш-туриши, мулоқот маданиятига талаблар қучайди. Энди маънавий тарбия ва ахлоқий фаровонликни моддий эҳтиёжга айлантириш эмас, аксинча, маънавий тарбия ва ахлоқий фазилатларни юксалтиришни ҳаётий ва касбий эҳтиёжга айлантириш профессионал тузилма фаолиятининг талабидир.

Мазкур Кодекс ички ишлар органларида хизмат олиб борища ходимларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини биринчи ўринга қўяди. Турли

ҳаётий вазиятларда уларнинг хатти-ҳаракатлари умуминсоний ахлоқ талабларига мос келиши кераклигини тартибга солади. Ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимнинг ахлоқий қадриятлари маънавиятнинг асосини ташкил қилиши кераклиги, касбий бурчи, шаъни ва қадр-қиммати, ор-номуси, маънавий етуклиги, унинг хизмат вазифаларини бажаришга сидқидилдан тайёрлиги энг муҳим мезон бўлмоғи даркорлигини қўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., – 2021. – 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 2020 йил 24 январь. Манба: www.president.uz/uz/lists/view/3324
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Т., 2018. —315-б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Т., 2018. —335-б.
5. Ботаев М. Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш //Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – 2020.
6. Тинтуб тергов ҳаракатини ўтказишни такомиллаштириш истиқболлари. Б.Б. Муродов, В.А. Хомидов - JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND ..., 2023